(1568-1599)
(1582-1599)

Балх ва Бадахшон хокими (1582-1598). 1598-99-йилларда Бухоро хони бўлган.
1589-йилдан отаси Абдуллахон ИИ билан муносабатлари кескин ёмонлашган. Чунки Абдуллахон ИИ Хиротни Сафавийлардан кайтариб олгач, уни ўз ўгли колиб, Кулбобо Кўкалдошга инъом килади. Бунинг устига у Хуросондаги ноиблари – Кулбобо кўкалдош, Динмухаммад султон ва бошка;арга ёзма фармон жўматиб, Абдулмўминга итоат этмасликни ва хатто бирор кулай фурсатдан фойдаланиб уни жисман йўк килишни буюради. Шунингдек, у Нисо, Обивард ва Дурун хокими Нурмухаммадхонни коллаб-кувватлаб уни Абдулмўминга карши урушга ундайди. Бундан даргазаб бўлган Абдулмўмин 1597-йилнинг кузида отасига карши бош кўтариб, Балх ва Бадахшон кўшини билан Амударё бўйига келган. Абдуллахон ИИ нинг кўшини Насаф (Карши) атрофида жойлашган. Абдуллахонга кўмакка вилоят хокимлари – масалан, Ахси ва Андижон хокими Ўзбек султон ўз кошинларини юборган. Бухоро ва Балх уламолари аралашуви билан Абдулмўмин ва Абдуллахон ИИ ўртасидаги низоларга вактинча бархам берилган.Абдулмўмин 1598-йил 8-февралда амир Мухаммад Бокибий билан келишиб отаси Абдуллахон ИИ ни захарлаб ўлдиради. Абдулмўмин отаси Абдуллахон ИИ вафот этгач, Бухорога кайтиб тахтни эгаллаган.тахтга ўтирганидан сўнг, отасининг якин кишилари хамда ўзининг Фаргона ва Тошкентдаги барча шайбоний кариндошларини золимларча катл эттириши мамлакатда исён кўтарилишига олиб келган. У Эрон сафавийлари билан Хуросон учун курашни давом эттирган. Абдулмўминнинг тахтга ўтирганидан олти ой ўтгач, Зоминдан Самарканд томон келоятганда отасининг амирларидан бири – Абдулвосеъ уни отиб ўлдиради.
Абдулмўмин мўнгуллар вайрон килган Балх калъасини кайта курдирган, Балхдаги Хожа Абу Наср Порсо мозорида хашаматли кўшк бунёд эттирган.